

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари

билиш ишлаш департаменти тўғрисида

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат органлари ва давлат муассасаларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2015 йил 31 марта 73-сон қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда – Марказий банк деб аталади)нинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент деб юритилади)нинг хуқукий мақоми, асосий вазифалари, функциялари ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бошқа қонун хужжатлари ҳамда Марказий банк Бошқарувининг қарорларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

3. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисининг раҳбарлигига амалга оширади ва бевосита унга бўйсунади.

Департамент ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Департаментнинг мазкур Низомда белгиланган ваколатларни амалга ошириш доирасидаги талаблари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг барча таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банклари томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилиши шарт.

5. Департамент жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини Марказий банкининг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, унинг тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банклари томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратнинг таъминланиши учун жавобгар ҳисобланади.

2-боб. Департаментнинг тузилмаси

6. Департамент Марказий банкининг штатлар жадвалига мувофиқ қўйидаги таркибий бўлинмалардан иборат:

Жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси;

Жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси.

7. Департамент тузилмасига Департамент директори, директор ўринбосари-бошқарма бошлиғи, бошқарма бошлиғи ва штатлар жадвалига асосан бошқа ходимлар киради.

8. Департамент ходимларининг иш вазифалари ҳамда уларнинг эгаллаб турган лавозимиға мувоғиқ малака ва билим даражасига бўлган талаблар Департамент ходимларининг лавозим мажбуриятларида белгиланади.

9. Департамент таркибидаги бошқарма бошлиқлари тегишли бошқарма фаолиятига бевосита раҳбарлик қиласи ва бошқармага юклатилган вазифаларнинг бажарилишига жавобгар ҳисобланади.

10. Департаментнинг барча ходимлари ўзларига юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан жавобгардирлар.

11. Департамент ходимлари қонун ҳужжатлари ва Марказий банкнинг ички тартиб-қоидаларида белгиланган тартибда лавозимиға тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

12. Департамент фаолияти қонун ҳужжатлари, ушбу Низом, Марказий банкда иш юритиш бўйича йўриқномалар, Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарлари топшириқлари ҳамда Департаментнинг иш режаси асосида ташкил этилади.

3-боб. Департаментнинг вазифа ва функциялари

13. Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

«Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишига доир бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари, мажлис баёнлари, топшириқлари ва Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Баш вазири электрон қабулхонаси, хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ташкилотлар, Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси «Ишонч телефони» орқали ҳамда тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига келиб тушган ёзма, оғзаки ва электрон мурожаатларни рўйхатдан ўтказади ва уларнинг ҳисобини юритади, шунингдек ушбу мурожаатларнинг масъул таркибий бўлинмалар томонидан белгиланган тартибда кўриб чиқилиши юзасидан мониторинг ишларини олиб боради;

Марказий банк раҳбарияти, худудий Баш бошқармалари, шунингдек таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассисларини, зарур ҳолларда тегишли тижорат банклари масъул ходимларини жалб қилган ҳолда, мурожаат этган жисмоний ва

юридик шахслар ҳамда уларнинг вакиллари қабул қилинишини, шу жумладан сайёр шахсий қабулларни ташкил қиласди;

Марказий банкка келиб тушган жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини марказий аппаратнинг тегишли таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, унинг тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларига кўриб чиқиш учун тақдим этади ва унинг ижроси бўйича тизимли таҳлил ва назорат юритишнинг ягона тизими амалга оширилишини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахслардан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келадиган мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши таъминланишини назорат қиласди;

Марказий банкнинг марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларига жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиша услубий ёрдам кўрсатади;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг кўриб чиқилиши ҳолати ва бу борада йўл қўйилган қоидабузарлик ҳолатлари, сусткашлик, хато ва камчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раисига доимий равища ахборот тақдим этиб боради ҳамда ушбу масалани Марказий банкнинг ҳафталиқ йиғилишларида муҳокама этиш учун таҳлилий маълумотлар тайёрлайди;

Марказий банк марказий аппарати тегишли таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларида жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг белгиланган тартибда кўриб чиқилиши юзасидан жойига чиқсан ҳолда назорат ишларини амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга доир тақлифларни ишлаб чиқади ва раҳбариятга кўриб чиқиш учун тақдим этиб боради.

Департамент зиммасига қонун ҳужжатлари ва Марказий банк Раиси топшириғига асосан бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

14. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ва уларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича таҳлилий маълумот ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари кўриб чиқилиши устидан доимий мониторинг олиб боради;

Марказий банк таркибий бўлинмалари, ҳудудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларида юридик ва жисмоний шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқишига оид қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши юзасидан назорат ишларини амалга оширади;

Департамент ваколатига тегишли бўлган масалалар бўйича қонун ҳужжатлари, Марказий банк Бошқаруви қарорлари ижросини таъминлайди ҳамда қарор ва топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида Марказий банк раҳбариятига муентазам ахборот бериб боради;

Марказий банк марказий аппаратининг тегишли таркибий бўлинмалари, ҳудудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ишлари аҳволи юзасидан ўрганишлар ўтказади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиши натижалари юзасидан шикоят қилиш тартибини мурожаатчиларга тушунтириш ишларини олиб боради;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича услубий тавсиянома ва таклифлар ишлаб чиқади, зарур ҳолларда мутахассислар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларни жалб қилиш юзасидан Марказий банк раҳбариятига таклифлар тақдим этади.

4-боб. Департаментнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

15. Департамент ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хуқуқларга эга:

ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материал ва маълумотларни Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, ҳудудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларидан белгиланган тартибда олади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, ҳудудий Бош бошқармалари, тижорат банклари вакиллари, шунингдек бошқа мутахассислар, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотларни жалб этади, ушбу мақсадлар учун ишчи гуруҳ ва комиссиялар ташкил этилишини амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида баён қилинган ҳолатларнинг ҳақиқийлигини аниқлаштириш учун, зарурат бўлганда, ҳудудий Бош бошқармалар ва тижорат банкларининг вакилларини жалб этади, шунингдек мурожаатларда келтирилган важларнинг жойига чиқиб ўрганилишини ташкил қиласди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун хужжатлари талаблари бузилган тақдирда, айбдор шахслардан оғзаки ва ёзма тушунтириш хатларини олади ва тегишли чоралар кўрилиши учун Марказий банк раҳбариятига тақдим этиб боради.

Департамент қонун хужжатлари ва Марказий банк Раиси топшириғига асосан бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Департамент директори:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, таркибий бўлинмалар ишини ташкил қиласди ҳамда мазкур Низомга мувофиқ Департаментга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ахволи учун тўлиқ жавоб беради;

Департамент таркибий бўлинмалари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишларини мувофиқлаштиради, иш юритишини Марказий банк йўриқномаларига мувофиқ ташкил қиласди;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ёзма, оғзаки ва электрон, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини таъминлашга шахсан жавобгар ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси ва унинг ўринbosарлари топшириғига биноан давлат органлари, тижорат банклари ва бошқа ташкилотларнинг мажлис ва йиғилишларида иштирок этади;

Департамент ишини такомиллаштириш, ходимларнинг билим ва малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Марказий банк раҳбариятига Департамент ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклифларни киритади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви мажлисларида, Марказий банк Раиси ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Департамент ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича қатнашади;

жисмоний шахслар ва юридик шахслар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси, унинг ўринbosарлари ҳамда департамент ва мустақил бошқармалар бошлиqlари томонидан шахсан қабул қилинишини ташкил этади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатларини кўриб чиқиш натижаларига аниқлик киритиш учун Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларидан зарур материал ва хужжатларни сўраб олади;

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг кўриб чиқилиши аҳволи тўғрисида ҳисботлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамасига тегишли таҳлилий маълумотлар тайёрлашни таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбариятига жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг кўриб чиқилиши ҳолати тўғрисида тақдим этилаётган ахборотларнинг сифати ва ҳаққонийлигига жавобгар ҳисбланади;

Департаментдан чиқувчи хужжатларни имзолайди.

Конун хужжатлари талаблари, Марказий банк Раиси ва унинг ўринbosарлари топшириқларига асосан Департамент директорига бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

17. Департамент директори ўринbosари – Жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи:

Департамент директори вақтинча ишда бўлмаган (хизмат сафари, меҳнат таътили, касаллиги ва бошқалар) вақтда унинг вазифасини бажаради;

тегишли бошқармага раҳбарликни амалга оширади, ходимлар ишини ташкил қиласди, мувофиқлаштиради ҳамда бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг бошқарма фаолиятига тегишли бўлган қарорлари бажарилишини таъминлайди;

Департамент директори топшириғига кўра зарур ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатларини кўриб чиқишида қатнашиш учун ҳудудий Бош бошқармалар, тизимга кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларининг мансабдор шахсларини жалб этади;

бошқарма фаолиятига оид мурожаатлар юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижалари бўйича Марказий банк раҳбариятига маълумотномалар тайёрлайди;

бошқарма ходимлари томонидан лавозим мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат олиб боради;

жисмоний ва юридик шахслардан тушадиган электрон мурожаатларнинг ижроиларга ўз вақтида юборилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига келиб тушган электрон, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири электрон қабулхонаси орқали келиб тушган мурожаатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишига шахсан жавобгар ҳисбланади;

бошқарма ишларини такомиллаштириш ва ходимларнинг билим ва малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

бошқарма фаолиятига доир норматив-хуқуқий хужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг мажлис баёнлари ва топшириқлари ижросини бўлинма ходимлари билан биргаликда таъминлайди ҳамда улар асосида Марказий банкнинг меъёрий

хужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бошқарманинг ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботларини тайёрлайди, таҳлил қиласи ва Департамент директорига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

Марказий банк Бошқарувининг бошқарма фаолиятига доир қарорлари, Марказий банкда ушбу масалада бўлиб ўтадиган йиғилишлар баёнларининг ўз вақтида бажарилиши устидан назорат олиб боради;

ягона интерактив давлат хизматлари портали, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири электрон қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг «Ишонч телефони» орқали жисмоний ва юридик шахслар томонидан Марказий банкка юборилган электрон мурожаатларнинг Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларига ўз вақтида юборилиши ҳамда уларнинг белгиланган тартибда кўриб чиқиб қонуний ҳал этилиши устидан умумий назоратни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб ишлари аҳволи тўғрисида мунтазам равишда Департамент директори, шунингдек белгиланган тартибда Марказий банк Раиси ва унинг ўринbosарларига ахборотлар бериб боради;

тегишли масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши, уларнинг мунтазам равишда янгиланиб борилиши устидан назоратни амалга оширади;

ходимлар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши бўйича Департамент директорига таклифлар киритади;

бошқармадаги ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ҳамда уларга тегишли интизомий чоралар кўриш юзасидан Департамент директорига таклифлар киритади;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларида жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон мурожаатлари билан ишлаш масаласини ўрганади.

Қонун хужжатлари, Марказий банк Раиси ва унинг ўринbosарлари топшириқларига асосан Бошқарма бошлиғига бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

18. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси бошлиғи:

бошқармага раҳбарликни амалга оширади, ходимлар ишини ташкил қиласи, мувофиқлаштиради ҳамда бошқармага юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг бошқарма фаолиятига тегишли бўлган қарорлари бажарилишини таъминлайди;

Департамент директори топшириғига кўра зарур ҳолларда жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқишида қатнашиш учун худудий Бош бошқармалар, тизимга кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларининг мансабдор шахсларини жалб этади;

бошқарма фаолиятига оид мурожаатлар юзасидан ўтказилган ўрганишлар натижалари бўйича Марказий банк раҳбариятига маълумотномалар тайёрлайди;

бошқарма ходимлари томонидан лавозим мажбуриятларининг бажарилиши устидан назорат олиб боради;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг ижрочиларга ўз вақтида юборилишини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқилишига шахсан жавобгар ҳисобланади;

бошқарма фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

бошқарма фаолиятига доир норматив-хуқуқий ҳужжатлар, Вазирлар Маҳкамасининг мажлис баёнлари ва топшириқлари ижросини бошқарма ходимлари билан биргаликда таъминлайди ҳамда улар асосида Марказий банкнинг меъёрий ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлайди;

бошқарманинг ойлик, чораклик, йиллик ҳисботларини тайёрлайди, таҳлил қиласи ва Департамент директорига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг бошқарма фаолиятига доир қарорлари, Марказий банкда ушбу масалада бўлиб ўтадиган ийғилишлар баёнларининг ўз вақтида бажарилиши устидан назорат олиб боради;

жисмоний ва юридик шахслардан келадиган ёзма ва оғзаки мурожаатларни, шу жумладан, Марказий банкда ташкил этилган кўп каналли ягона «Ишонч телефони» орқали бўлган мурожаатларни Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимига кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банклари томонидан ўз вақтида кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилиши устидан умумий назоратни амалга оширади;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ишлари ахволи тўғрисида муентазам равишда департамент директори, шунингдек белгиланган тартибда Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарларига ахборотлар берабор боради;

тегишли масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилиши, уларнинг муентазам равишда янгиланиб борилиши устидан назоратни амалга оширади;

ходимлар ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши бўйича Департамент директорига таклифлар киритади;

бошқармадаги ходимларни лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, рағбатлантириш ҳамда уларга тегишли интизомий чоралар кўриш юзасидан Департамент директорига таклифлар киритади;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимида кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларида жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш масаласини ўрганади.

Конун хужжатлари, Марказий банк Раиси ва унинг ўринbosарлари топшириқларига асосан Бошқарма бошлиғига бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

19. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси бош мутахассиси:

Марказий банкка Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар ҳамда Марказий банкнинг «Ишонч телефони» орқали жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни рўйхатга олади;

мурожаатларни таҳлил қиласи ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбариятининг тегишли топшириғи асосида жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни ижрочиларга етказади;

жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларнинг хар бирига Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари кесимида ижрочилари кўрсатилган ҳолда алоҳида индентификацион рақам беради;

Марказий банкка Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Олий Мажлис палаталари, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва идоралар ҳамда Марказий банкнинг «Ишонч телефони» орқали жисмоний ва юридик шахслардан келадиган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини назорат қиласи;

бошқарма фаолиятига тегишли маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қиласи ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиша қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-хукукий хужжатлари лойиҳаларини, шунингдек меъёрий хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиша иштирок этади;

бошқарманинг ойлик, чораклик, йиллик ҳисоботларини тайёрлайди, таҳлил қиласи ва бошқарма бошлиғига ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши ишлари аҳволи тўғрисида мунтазам равишда бошқарма бошлиғига ахборот бериб боради;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимида кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласини ўрганади;

ўтказилган ўрганишлар натижалари бўйича Марказий банк раҳбариятига билдиришномалар тайёрлашда иштирок этади;

жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатлар ижроси ҳақида тақдим этиладиган ҳисботларни таҳлил қиласди;

Марказий банкда ташкил этилган қўп каналли ягона «Ишонч телефони»нинг самарали фаолият юритишини ҳамда мазкур телефонга жисмоний ва юридик шахслардан тушадиган оғзаки мурожаатларни ижро чиларга ўз вақтида юборилишини тъминлайди;

департамент Низомига мувофиқ раҳбариятнинг кўрсатма ва топшириқларини бажаради;

бошқармадаги ҳужжатларни Марказий банк архивига топширилишини тъминлайди;

Қонун ҳужжатлари талаблари, Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарлари топшириқларига асосан, бош мутахассисга бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

20. Электрон мурожаатлар билан ишлаш бўлими бош мутахассиси:

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига келиб тушган электрон, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири электрон қабулхонаси орқали жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатларни рўйхатга олади;

мурожаатларни таҳлил қиласди ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбариятига қўриб чиқиши учун киритади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбариятининг тегишли топшириғи асосида жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни ижро чиларга етказади;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири электрон қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Ишонч телефони» орқали келиб тушган мурожаатларнинг ҳар бирига алоҳида индентификацион рақам беради;

жисмоний ва юридик шахслардан келадиган электрон мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини назорат қиласди;

бошқарма фаолиятига тегишли маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қиласди ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқишида қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини, шунингдек меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқишида иштирок этади;

бошқарманинг ойлик, чораклик, йиллик ҳисботларини тайёрлайди, таҳлил қиласди ва бошқарма бошлиғига ўз вақтида тақдим этилишини тъминлайди;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқиши ишлари ахволи тўғрисида мунтазам равишида бошқарма бошлиғига ахборотлар бериб боради;

Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари, худудий Бош бошқармалари, тизимиға кирувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда тижорат банкларида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш масаласини ўрганади;

ўтказилган ўрганишлар натижалари бўйича Марказий банк раҳбариятига билдиришномалар тайёрлашда иштирок этади;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири электрон қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Ишонч телефони» орқали жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларнинг ижроси ҳақида департамент ва мустақил бошқармалар, худудий Бош бошқармалар ва тижорат банклари бўйича ҳисботларни тайёрлайди ва таҳлил қиласиди;

Марказий банкда ташкил этилган қўп каналли ягона «Ишонч телефони»нинг самарали фаолият юритишини ҳамда мазкур телефонга жисмоний ва юридик шахслардан тушадиган оғзаки мурожаатларни ижро чиларга ўз вақтида юборилишини таъминлайди;

департамент Низомига мувофиқ раҳбариятнинг кўрсатма ва топшириқларини бажаради;

бошқармадаги ҳужжатларни Марказий банк архивига топширилишини таъминлайди;

Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали фойдаланувчиларнинг «Шахсий кабинети»дан Марказий банкнинг электрон почтасига келиб тушган мурожаатларда жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаатларни аноним деб топади ҳамда ушбу мурожаатларни кабул қиласлик сабабларини кўрсатган ҳолда мурожаатчига жавоб юборади;

жисмоний ва юридик шахслардан Марказий банкка Ягона интерактив давлат хизматлари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири электрон қабулхонаси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси «Ишонч телефони» орқали келадиган электрон мурожаатларни ўз вақтида ва сифатли ижро этилиши учун шахсан масъул ҳисобланади;

Конун ҳужжатлари талаблари, Марказий банк Раиси ва унинг ўринбосарлари топшириқларига асосан, бош мутахассисга бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

21. Жисмоний ва юридик шахсларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш бошқармаси етакчи мутахассиси:

жисмоний ва юридик шахслардан тўғридан-тўғри келган мурожаатларни рўйхатга олади;

мурожаатларни таҳлил қиласи ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбариятига кўриб чиқиш учун киритади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раҳбариятининг тегишли топширифи асосида жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларни ижрочиларга етказади;

жисмоний ва юридик шахслардан келган мурожаатларнинг ҳар бирига Марказий банкнинг таркибий бўлинмалари кесимида ижрочилари қўрсатилган ҳолда алоҳида индентификацион рақам беради;

Марказий банкка жисмоний ва юридик шахслардан тўғридан-тўғри келадиган ёзма ва оғзаки мурожаатларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини назорат қиласи;

бошқарма фаолиятига тегишли маълумотларни умумлаштиради, таҳлил қиласи ва тегишли тавсияларни ишлаб чиқиша қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг меъёрий хужжатлари лойиҳаларини, шунингдек қонун хужжатларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳаларни ишлаб чиқиша иштирок этади;

буш мутахассис ишда бўлмаган вактда жисмоний ва юридик шахсларнинг Марказий банк Раиси, унинг ўринbosарлари ҳамда департаментлар ва мустақил бошқармалар бошликлари томонидан шахсан қабул қилинишини ташкил этади;

жисмоний ва юридик шахслардан тушган оғзаки ва ёзма мурожаатларнинг таркибий бўлинмалар томонидан ижро этилишини доимий равишда таҳлил қиласи, улар юзасидан умумлаштирилган маълумот тайёрлайди ва бошқарма бошлиғига тақдим этиб боради;

Марказий банкка жисмоний ва юридик шахслардан тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига маълумотлар тайёрлашда қатнашади;

Марказий банкда ташкил этилган кўп каналли ягона «Ишонч телефони»га жисмоний ва юридик шахслардан тушадиган оғзаки мурожаатларни рўйхатга олади ҳамда ижрочиларга ўз вақтида юборади;

Марказий банк веб-сайтига киритиш учун тегишли маълумотларни тайёрлашда қатнашади;

бошқармадаги хужжатларни Марказий банк архивига топширилишида қатнашади.

Қонун хужжатлари талаблари, Марказий банк Раиси ва унинг ўринbosарлари топшириқларига асосан, етакчи мутахассисга бошқа вазифалар ҳам юклатилиши мумкин.

22. Ёзма ва оғзаки мурожаатлар билан ишлаш бошқармаси 1-тоифали мутахассиси:

Департаментдаги иш юритиш ишларини олиб боради;

Департаментдаги хужжатларни Марказий банк архивига топширилишида қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, корпорациялари, концернлари, уюшмалари, компаниялари ва бошқа марказий муассасалари аппаратларида иш юритиш ва ижро назоратини ташкил этиш бўйича намунавий Йўриқнома ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 13 февралдаги 6-А/1-сонли қарори билан тасдиқланган Марказий банк тизимида электрон хужжат айланиши ва электрон иш юритиш регламентига асосан иш юритишни таъминлайди, Департаментга келган ва кетган хужжатларнинг ҳисобини юритади ва уларни ўз вақтида ижрочиларга етказиб беришни таъминлайди;

Департамент фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг келиб тушиши ва уларни Марказий банкнинг таркибий бўлинмаларига юборилишининг ҳисобини юритади, Департаментга келиб тушадиган барча хужжатларнинг сақланишини таъминлайди;

Департамент иши учун зарур бўлган хат, сўровнома, йўриқнома, буйруқ ва бошқа хужжатларнинг нусхаларини кўпайтиради;

Департамент раҳбарлари кўриб чиққандан сўнг хужжатларни ижрочиларга – Департамент ходимларига ўз вақтида тарқатади. Назоратга олинган раҳбарият топшириқларининг муддатида ижро этилишининг ҳисобини юритади. Хужжатларни тасдиқланган номенклатурага мувофиқ сақланишини таъминлайди ва белгиланган тартибда уларни архивга топшириш чораларини кўради;

тузилмавий бўлинмалардан ёки ижрочилардан департамент директорига керак бўлган маълумотларни олади;

Департамент директори ва унинг ўринбосарининг топшириғига кўра бошқа иш юритишга оид ишларни ҳам бажаради.

23. Департамент ходими бошқа ишга ўтиши, ишдан бўшаши, меҳнат таътили ва бошқа сабабларга кўра ўз иш жойида бўлмаганда, департамент ходимлари иштирокида ходимга топширилган ижродаги хужжатлар рўйхати тузилиб, ходимнинг ўрнига тайинланган ёки унинг вазифасини вақтинча бажарувчи ходимга топширилиши лозим.

24. Департамент ходимлари ўз иш фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган лавозим мажбуриятларига мувофиқ амалга оширадилар.